

Минайхон Жуманазарова

**ҚАЛБИНГИЗДА
ҚОЛГИМ
КЕЛАДИ**

(Шеърлар)

Тошкент

С (Қорақ)

Ж 87

Жуманазарова М.

Қалбингизда қолгим келади: (Шеърлар).
—Т.: «Чўлпон», 1999.—48 б.

Қорақалпоқ шоираси Минайхон Жуманазарованинг шеърлари бугунги кунда ўзбек китобхонларининг ҳам мулкига айланиб бормоқда.

Мазкур китобга кирган шеърларда аёл қалбининг нозик қирралари нурли бўёқларда очиб берилган.

С(Қорақ)

Ж $\frac{4803620202-26}{360(04)-99}$ қўш. 99

ISBN 5—8250—0634—6

© Чўлпон нашриёти, 1999 йил

ҚУҚЛАМ НАФАСИДАЙ ҲАЁТБАХШ ШЕЪРЛАР

Баъзан шундай бўлади: куз фаслида ногоҳ кўклам ҳидини туясиз. Қалбингиз энтикиб, мудроқ босган вужудингиз тетиклашиб, томирингизда топ-тоза, шиддаткор қонлар гупура бошлайди. Бу ҳаётни янада қаттиқроқ сева бошлайсиз.

Қорақалпоғистонлик шоира Минайхон Жуманазарованинг шеърлари ана шундай таассурот уйғотади. Сизни чин берилиб, ихлос билан севишга ундайди, кўнгли минг бир ямоқ, сирти бутун елкадошларимизга малҳам бўлишга чақиради, соф маънодаги яхши сўзнинг қули бўлишга чақиради. Зеро шеърятнинг вазифаси ҳам аслида шу эмасми?!

Бу шеърлар орасида баъзан тузи босимроқ жумлаларга дуч келсангиз, ажабланманг, муаллиф Оролбўйида яшайди.

Ниҳоят, мухтасар тилагимиз шу: Сизга янги асар мутолааси муборак бўлсин, азиз китобхон! Уларни баҳолаш ва ҳукм чиқариш эса одатдагидай сизга ҳавола.

Ибройим ЮСУПОВ.
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

ҚАЛБИНИГИЗДА ҚОЛГИМ КЕЛАДИ..

Хорун-ар Рашиддай ҳар куни
Кенг саҳрони кезгим келади.
Борми ёрти, синиқ, бутуни,
Ҳол-аҳволин билгим келади.

Етим-есир, нотавонларнинг
Манглайдан суйгим келади.
Хазинамда бор бисотимни
Мен улашиб бергим келади.

Жабркашнинг жафосин туйиб,
Унинг ёнин олгим келади.
Дардлиларнинг давосин топиб,
Хастага эм бўлгим келади.

Дастурхонга ризқу баракат,
Мўл-кўлчилик бергим келади.
Очкўзларга сабру қаноат,
Виждон бўлиб энгим келади.

Ногиронга бўлиб шамчироқ,
Кенг жаҳонни кўргим келади.
Тоғ қўпориб мисоли Фарҳод,
Саҳрога сув бергим келади.

Ботирларнинг қилич-совути,
Кўксида ор бўлгим келади.
Эл бошига иш тушган пайти
Мен ҳам отга мингим келади.

Қиз юзида уят ва ибo,
Минг андиша булгим келади.
Йигитларга буюк мартаба,
Бахт қушидай қўнгим келади.

Қимман ўзи, ўтмишим қандай,
Барин-барин билгим келади.
Даврларнинг излаб садосин,
Изларимни кўргим келади.

Неки кўрсам, неки эшитсам,
Барин хатга солгим келади.
Қўшиқ бўлиб кириб қалбларга,
Мангу яшаб қолгим келади.



Қанийди, кўксинг тўла
Армонларинг бўла олсам.
Одамзод қўли етмас,
Чўққи бўлиб қола олсам.

Изларимни сурма қилиб,
Сурсанг эди кўзларингга.
Куланкамга сажда қилиб,
Эргашсайдинг изларимга.

Ҳижрон ўртаб юрагингни,
Зору зор йиғласайдинг.
Саҳро каби сувларга зор,
Кўксингни тигласайдинг.

Қанийди кўксинг тўла
Армонларинг бўла олсам.
Одамзод қўли етмас
Чўққи бўлиб қола олсам...



Ҳижрониинг бағримни ситди,
Бардошим тугади, битди.
Кутдим кунлар, ой ҳам ўтди,
Баҳорим, қайдасан, қайда!

Офтоб кўксимни қоқмади,
Совқотдим, аёз ёқмади,
Иқбол кулиб бир боқмади,
Баҳорим, қайдасан, қайда!

Қайғунинг булути тўрлади,
Булбулим бўстонсиз зорлади,
Узингдан бир дарак бўлмади,
Баҳорим, қайдасан, қайда!

Сенсиз тутилар ой-куним,
Сенсиз етим боғ-булбулим,
Қалбимнинг султони, севгилим,
Баҳорим, қайдасан, қайда!



Қўлқисқалик ёмон дард,
Марднинг қаддин букади.
Одим сайин бериб панд,
Обрўйингни тўкади.

Дастурхон топса, ош топмай,
Йигитнинг юзи қизарар,
Гуруч топса, мой топмай,
Аёли маъюс бўзарар.

Жўра-йўлдош келганда
Хизматида туrolмас.
Борар жойга боролмай,
Тўй-маърака беролмас.

Кўкрак қурғур сайрайди,
Ғайрат тошар билакда.
Иўқчилик эса қўл бойлаб,
Осилгайдир этакда.

Қўлқисқалик ёмон дард,
Марднинг қаддин букади.
Одим сайин бериб панд,
Обрўйингни тўкади.



Майли, чиқсин баданимдан жон,
Қўрқинч эмас жисмоний ўлим.
Руҳий ўлим баридан, баридан ёмон,
Узун бўлсин маънавий умрим.



Кўзимда ёш билан куламан,
Кўзимда ёш билан севаман.
Кўзимда ёш билан ўламан,
Нега,
Сабабини битта ўзим биламан...

НУКУСИМ

Таърифнингни баён этсам, Нукусим,
Тополмайман сўзнинг сулув, тўкисин.
Хаёл уммонимни бузар дегишинг,
Нукусим, Нукусим, гўзал Нукусим.
Бизда аввал-бурун шаҳар бўлганми,
Бўлса, қайда, қум остида қолганми.
Толемга фақат сени ёзганми,
Нукусим, Нукусим, гўзал Нукусим.
«Эдил қайда, Ёйиқ қайда, ёй қайда»,
Халқим бурун макон тутган шу жойда,
Излаб борсам ота юрт, деб Нўғойга,
Шаҳар қайда, изи ҳам йўқ, Нукусим.
Таърифнингни ҳув наридан оқизсам,
Урмамбетбий бобом чалган қўбизсан.
Саҳройи қалбимга битган боғимсан,
Нукусим, Нукусим, гўзал Нукусим.
Нўғойлидан қалпоқ қолди, «бош» қолди,
Туркистон — гўзғинган элда лош қолди.
Халқим менинг баридан ҳам бўш қолди,
Кўнгиш қалъам фақат сенсан, Нукусим.
«Қорақалпоқ, қайда маконинг, жойинг»,
Десалар гар менинг жавобим тайин:
Оролбўйи, отамерос қут жойим,
Бош шаҳрим ўзингсан, дейман, Нукусим.
Таърифнингни баён этсам, Нукусим,
Тополмайман сўзнинг сулув, тўкисин,
Хаёл уммонимни бузар дегишинг,
Нукусим, Нукусим, гўзал Нукусим.



Тушунмайман ўзимга, оҳ,
Гоҳ шоҳман, гоҳ гадоман.
Руҳимда минг гуллайман гоҳ,
Минг сўламан, адоман.



Шунқор қафасга сиғмас,
Тулпор тушовда турмас.
Қисматимиз фақат парвоз,
Парвоз, шунқорим, парвоз.

Парвоз недир, учган билар,
Тулпор ёлин қучган билар.
Муддаонг не, кўнглим сезар,
Парвоз, шунқорим, парвоз.

Қафасда талпинган қушман,
Менинг ҳам ишқим осмон.
«Қув-қув» лашиб тумли-тўшдан,
Парвоз, шунқорим, парвоз.

КЕЛ, ҚҰНОҒИМ!

Дунё-молим йўқ уйимда,
Ноз этмагин таклифимга.
Қувонарман ташрифимга,
Оппоқ кунглим — дастурхоним,
Кел, қўноғим, қадрдоним!

Отамдан мерос қолмаган,
У ҳам Қорун бой бўлмаган.
Дастурхони йиғналмаган,
Етса — мол, етмаса — жоним,
Кел, қўноғим, қадрдоним!

Бор бойлигим — фарзандларим,
Ҳам ўзингдай дилбандларим,
Келгин, сенсиз кунглим ярим,
Синағонмас, сийлағоним,
Кел, қўноғим, қадрдоним!

СЕНСИЗ

Сенсиз бордим талай даврага,
Илтифотлар кўрдим басма-бас.
Ҳазил-кулким бари жўрттага,
Кўзларимдан сувратинг кетмас.

Керак эмас сохта иззатлар,
Жоним, фақат сени қўмсайман.
Лабда кулгу, қалбда ҳасратлар,
Ичдан ёниб-куйиб яшайман.

Қўшиқ-созлар чалинар ана,
Тингламайман, қизимас қоним.
Хўрсинаман фақат жимгина,
Чунки йўқсан ёнимда, жоним.
Йўқсан, йўқсан, йўқсан...

СЕН КЕЛАСАН...

Шунча йил ҳижронда кутдим, чидадим,
Соғиндим, соғиндим, танҳо йиғладим.
Тошларга бош урдим, бағрим тиғладим,
Умид узганим йўқ. Сен... сен келасан.

Куйдирди саҳронинг ўтли ҳовури,
Қаҳратон қишларнинг аёз, довули.
Зор-гирён изладим куйиб, оҳ уриб,
Қачондир, барибир бир кун келасан.

Узун тунлар бедор тонглар оттирдим,
Йўлингга кўз тутдим, сени туш кўрдим.
Қалбимни бир сенга, ҳа, сенга бердим,
Ҳаётимга баҳор бўлиб келасан.

Кўрмадим ҳуснингни, қадду бўйингни,
Топмасман қиёслаб тенгу тойингни,
Қайдасан, билмайман макон-жойингни,
Лекин ишонаман: борсан, келасан...



Ҳей, баҳорги абри наисоним,
Қалбимда кўз очди яна ишқ!
Хуш келдинг, қисматим, қайсарим,
Даф бўл энди, сен, мунгли қўшиқ!

Барини, барини сезаман,
Ҳижрон недур, недур айролиқ!
Толеимга тош тегди ёмон,
Шул сабабли қалбим яролиғ.

Юрсам, гуллар унар изимда,
Кечиккан баҳорим тотлидир.
Ҳасратлар ловулар кўзимда,
Эҳ, умрим ғамлидир, шодлидир.



Сен ичган оғунинг заҳрин бер менга,
Ёйилсин танимга, ўртасин мени.
Сен ичган афюннинг кайфин бер менга,
Тангрим фақат омон сақласин сени.

Безовта қилмайин тушингга кириб,
Унутсанг, майлига унутгин мени.
Зарра доғ туширмай пок юрагингга,
Тангрим фақат омон сақласин сени...



Мен қул бўлиб қолмадим,
Ақидалар ва шиорларга.
Мудом сажда қила олмадим
Ерда «худодай» киборларга.

Бир қолипга сиға олмадим,
Қаноримдан тошиб тўкилдим.
Мен бир тўкис бўлиб қолмадим,
Чок-чокимдан кетиб сўкилдим.

Мен руҳимга тушов солмадим,
Чамбаридан чиқдим тўзимнинг.
Мен ўзгага ўхшай олмадим,
Не ўтса-да, ўтди ўзимдин.

ҲАЙКАЛ

Тош ҳайкал, мағрур қиёфа,
Жонимга яқин тобора.
Сажда қилиб, топнурман,
У сезмайди, мен овора.

Совуқ кўзи учқун сочиб,
Салобат, савлати босиб.
Банди бўлдим занжирсизоқ,
Кетолмам орани очиб.

Ҳайрондурман ўз-ўзимга,
Усиз дунё тор кўзимга.
Ўз оёғим билан келиб,
Қайтолмайман лек изимга.

Тош ҳайкал, мағрур қиёфа,
Жонимга жондир тобора,
Сажда айлаб топнурман,
У — бепарво, мен — овора.

ГУДАК

Онанг иш билан банд,
Даданг иш билан банд,
Чопишар куну тун
Тирикчилик деган
Тошни орқалаб.

Уларга ҳам қийин,
кундузи — иш,
Тунда эса — ит ётиш,
мирза туриш.

Эрта билан апил-танил
Туриб чопишар.
Кун кўриш керак-да,
Бугун қанча топишар.

Сен эса ўзинг билан
ўзинг ўйнайсан.
Эртагу алла ўрнига
Радио, телевизор тинглайсан.

Уларни ҳар куни,
кўзларинг жавдираб,
кузатиб қоласан.
Кўзларинг жавдираб,
кутиб оласан.

Ўингламай қоласан,
Чунки сен яхши боласан.

Эркалаш нима,
эркалатиш нима,
Тасаввур ҳам қилмайсан.

Сен ҳали боласан,
Қўп нарсани билгинг келади.
Сўраб билгинг келар.

Сўрайсан:

— Ойи, анави-чи...

— Қўй, халақит берма!

Унсиз қоласан...

Дадангга юзланасан:

— Дада, ҳалиги...

— Қўй, болам, хонангга кир.

Тинч қўйгин мени!

Хўрсинасан...

Онанг иш билан банд,

Даданг иш билан банд.

Куну тун чопишар

Тирикчилик деган

Тошни орқалаб.

Кўзингдаги ёшни

Қим туяр, жоним!

Жавобсиз саволлар

аро шўнғийсан.

Ўзинг билан ўзинг

ўйнаб ўксийсан.

Шўрлик гўдак...

МЕН ҲАМ...

«У, қудратли массагет қизи,
Нечун ўлдирдинг сен Спитаменни!
Муҳаббат ёшлари тўлдириб кўзинг,
Бошида чайқалиб турибсан энди.

Нега ўлдирдинг сен Спитаменни!»
Дея сўраганда ул мўғул хоқон,
«Мен уни севаман, шунинг-чун!» дединг,
Ёвларинг барчаси қолдилар ҳайрон.

Сендаги муҳаббат менинг қалбимда,
Ўт бўлиб ёнади, тоқат қилолмас.
Мен ҳам ошиқдурман Спитаменга,
Қўлим қалтирайди пичоқ уролмай.

Ҳа, мен ҳам севаман,
мен ҳам севаман...

САДОҒА

Халқига узатса қўлини,
Тутиб Алпомниш йўлини.
Қараманг ўнгини, сўлини,
Кетсин... барчинлар садоға.

Элим деб инграган ботирга,
Бир ўзи мингларга тотирга,
Безак бўлиб бўш чодирга,
Кетсин... сулувлар садоға.

Ажиниёз каби сўзлари,
Дупёда танҳо ўзлари,
Халқимнинг кўрар кўзлари,
Шоирга минг қиз садоға.

Сув тубинда гавҳаримга,
Қўзи қора, хунҳоримга,
Олғир бозим, шунқоримга
Кетсин... лайлилар садоға.

Қарға билан қузғунларга,
Элни бузган бузғунларга,
Ем бўлгунча эзгинларга.
Кетсин... яхшилар садоға.

СОҒИНДИМ

Бир уйда ўсгандик етти полапон,
Бирдай меҳр олиб, аҳил, қадрдон.
Оҳ, энди ўйласам, ул ўзга жаҳон,
Беғубор болалик кезни соғиндим.

Отамиз қайтарди ишдан толиқиб,
Эркалик қилардик шодон, ҳовлиқиб,
Қора қумғондан чой ичиб, гоҳ тўкиб,
Баримиз жам бўлган кезни соғиндим.

Ямоқ кўйлак кийиб онам эгнига
Кулги бўлмасин, деб улар тенгига,
Чидам бериб шунча турмуш юкига,
Бир уяда ўсган кезни соғиндим.

Бизлар тотув эдик, жуда меҳрибон,
Есак ҳам қора нон, ичсак ҳам айрон.
Бугун нима бўлди, ақлимдур ҳайрон,
Меҳр тўла кўзингизни соғиндим.

Кўз олдимдан кетмас отам дийдори,
У шундай бир инсон эди, жайдари,
Меҳрига зор энди ўғил-қизлари,
Отажон, мен сизни жуда соғиндим.

«Сабр таги — олтин, мақсадингга ет,
Қароғим, келақол, барин олиб кет,
Турмуш сўқмоғидан тўғри юриб ўт»,
Деган сўзингизни жуда соғиндим.

Турмуш қийин экан, жуда қийнайди,
Гоҳ хабар оларга ҳолим бўлмайди.
Мудом сизларни деб меҳрим товлайди,
Бари-барингизни жуда соғиндим.



Янглиш босган ҳар бир қадаминг,
Адаштирар сени йўлингдан.
Мудом инсоф бўлсин ҳамдаминг,
Кўланканинг тутма кўлидан.

Берилмагин ёлғон иззатга,
Уйда сени рафиқанг кутар,
Йўламагин ёлғон улфатга,
Азизларинг сенга кўз тутар.

Кутар гўдак фарзандинг сени,
Бедорликдан кўзлари толар.
Артиб қўйгин улар ёшини,
Ёмонликни кўрмасин улар.



Қанча баҳорларим гуллади сенсиз,
Тўкилдим соғинчдан кузги япроқдай.
Ёзларда қақрадим ёгинсиз-намсиз,
Дардли бу кўнглимнинг давосин топмай.

Бугун-чи, ўзгача қулф урар дунё,
Вужуд, шууримга кел, тезроқ синг сен!
Келдинг кўзларимга бахш этиб зиё,
Наҳот бу сен бўлсанг, сен бўлсанг,
сен, сен!

Қалбим саройига келгин, ҳукм эт сен,
Бизга мунтазирдир висол боғлари.
Ўтли нафасингдан эриблар кетсин,
Қалбимдаги қат-қат ҳижрон доғлари.



Эҳтиросга, кўнглим, бўлмагин банда,
Эрк берма ҳавойи ҳиссиётларга.
Гўзаллик шайдоси — кўзим, алданма,
Бош урма, эргашма етти ётларга.

Кўнглим кўчаларин кишанла, номус,
Виждон, ҳар қадамда назорат қилгин.
Меҳр, қалбга қуйил, сен ҳовуч-ҳовуч,
Беғубор. поклигим, сен огоҳ бўлгин.

АЛВИДО АЙТМАЙМАН, МУҲАББАТ...

Сен ўт бўлдинг, куйдим, сезмадинг,
Сен дард бўлдинг, суйдим, сезмадинг.
Олов ичра сени изладим,
Алвидо айтмайман, муҳаббат.

Сен деб қалам олдим қўлимга,
Сарсон бўлиб тушдим йўлингга,
Қарамадим ўнгу сўлимга,
Алвидо айтмайман, муҳаббат.

Айтсам, адо бўлмас сўзимсан,
Сўзим эмас, менинг ўзимсан.
Сен илоҳий туйғум, созимсан,
Алвидо айтмайман, муҳаббат.

Сезасанми аслида, эркам,
Сен бордурсан, бордурман мен ҳам.
Қалбим тўла қайғу, мунг, алам,
Алвидо айтмайман, муҳаббат.

Сен бордурсан, мен ҳам ўлмасман,
Сени ҳеч кимларга бермасман.
Қалбдан ўзга жойга кўммасман,
Алвидо айтмайман, муҳаббат...

Сен ўт бўлдинг, куйдим, сезмадинг,
Сен дард бўлдинг, суйдим, сезмадинг.
Олов ичра сени изладим,
Алвидо айтмайман, муҳаббат.

ОРЗУОЙИМГА

Орзу қизим, ой қизим,
Бахтинг кулсин, юлдузим!
Эгилиб кирган остонанг
Тожу тахтинг бўлади,
Бирга қадам ташлаган
Ёринг — бахтинг бўлади.

Бўсағангнинг қули бўл,
Хизматдан ҳеч чарчама.
Қулф урган боғнинг гули бўл,
Севиқли бўл барчага.

Ота-онанг — подшойинг,
Кесиб ўтма йўлидан.
Насиҳатим тинглагин,
Қўшқўллаб ол қўлидан.

Қайнинг бордур, қайноғанг,
Эгилиб салом бергайсан.
Тақдиримга ёзилган
Элу халқим дегайсан.

Бекачларинг эркалаб,
Атрофингда парвона.
Узинг каби шўх-шодон
Хизмат қилар қувона.

Овсинларинг келганда
Тўша қат-қат кўрпача.

Овқатингга тасанно —
Айтсин ёш-қари барча.

Элу халқинг — тарози,
Ҳеч кимни кам, паст тутма.
Биби Фотима авлоди
Эканингни унутма.

Барин айт-да, барин айт,
Эрназар каби мард туғиб,
Меҳри дарё бўлғайсан.
Онанингни ушбу тилагин
Хат билан қалам қилғайсан.
Орзу қизим, ой қизим.



Селгандим кўнглингга яхшилик нурин,
Меҳру шафоати тинмагай-да, деб.
Гоҳ ошкора севдим, гоҳо яширин,
Севги-муҳаббати сўнмагай-да, деб.

Сен берган меванинг дони пуч бўлди,
Латанг, экканимни ўра олмадим.
Орзу-хаёлларим бари туш бўлди,
Бир кам дунё экан, тошиб-тўлмадим.



Аёзли изғирин, қалбим қаҳратон,
Ер-замин силкинар армонларимдан.
Ёзуғим не эди, айт-чи, эй Раҳмон,
Кўз ёшларим қотди мужгонларимда.

Қорлардан бошимга кийдирдинг тожни,
Саройим — муз қалъа, муз тахти равон.
Кўнглим эса... кўнглим қўмсайди ёзни,
Тушимга кирди фақат саратон...



Ҳей, қалбимда унган гул-чечак,
Нечун менга очдинг бағрингни,
Гоҳо лоқайд, гоҳо куюнчак,
Бол аралаш ичдим захрингни...

Гоҳ оқилад дейсан, гоҳ барно,
Замин қолиб, кўкка тенглайсан.
Еру кўкка ишонмай гоҳо,
Юрагимнинг амри тинглайсан.

Тушунмайман ҳатто меҳрингга,
Яшин каби ёниб қулайсан.
Баданларим куяр сеҳрингга,
Осмонингдан сўрайман найсон.

Фақат аён: биз бир юракмиз,
Умр бўйи интилдик абгор.
Мен сенга, сен менга керакмиз,
Қолганлари бекордир, бекор.

МУҲАББАТ

Қонли ёшим оқар кўзимдан,
Кечолмадим ўзим-ўзимдан,
Ўртанаман дардли сўзимдан,
О, муҳаббат, жоним муҳаббат.

Айт-чи, нечун бунча кечикдинг,
Очолмайман сенга эшикни,
Фақат ҳажринг насиб этибди,
О, муҳаббат, жоним муҳаббат.

Соғинчларим сарғайиб пишди,
Мевалари узилиб тушди.
Минг андиша йўлимни тўсди,
О, муҳаббат, жоним муҳаббат.

Ҳисларимни чайқадинг аста,
Юрагимни айладинг хаста.
Умрим ўтар энди шикаста,
О, муҳаббат, жоним муҳаббат.

Қарасанг-чи, кўзларимда ёш,
Севганимга бўлолмай йўлдош,
Дардларимдан эрир қора тош,
О, муҳаббат, жоним муҳаббат.

Айт-чи, нечун бунча кечикдинг,
Очолмайман сенга эшикни.
Фақат ҳажринг насиб этибди,
О, муҳаббат, жоним муҳаббат.

ҲАЛИ МЕН..

Сен сезмайсан, ҳали мен
Тушларингга кираман.
Ҳар йил сайин қайтадан
Баҳор бўлиб келаман...

Ҳали мени излайсан
Гирён чўлу тузда сан,
Ҳатто ўзинг сезмайсан,
Ҳижрон бўлиб келаман.

Тоғ бошида қор бўлиб,
Ўт-олов ва нур бўлиб,
Ўўқлик аро бор бўлиб,
Нажот бўлиб келаман.

Нокаслар келиб устун,
Алданганда умидинг,
Силкинтириб ер бетин,
Инсоф бўлиб келаман.

Қарвон кўчса тушингдан,
Ўтса даврон бошингдан,
Дўстлар қочса қошингдан,
Ҳамдард бўлиб келаман.

Руҳинг чўкса, йиғласанг,
Фурбат бағринг доғласа,
Омадсизлик тигласа,
Иқбол бўлиб келаман.

Саратонда совқотсанг,
Қалбинг тўнгиб, муз қотсанг,
Қўкрагинг захга ботса,
Меҳр бўлиб келаман.

Безиб бир кун баридан,
Ёлгон иззат-тўридан,
Ҳафсаланг пир бўлган дам,
Виждон бўлиб келаман.

Пойимда тиз чўкарсан,
Қаршимда бош эгарсан,
Мен-чи, шунда гавҳардай,
Сув тубига шўнғийман.

Шўнғиб, қайтадан чиқиб,
Сув остида бўғриқиб,
Қалбинг инграр энтикиб,
Мен-чи, сендан безарман.

Жой олиб дил тўридан,
Аъло чиқиб баридан,
Бир-бир учиб кўзингдан,
Тушларингга кираман.

Ҳали мен...
ҳали мен...



Таним сезмас нарсаларни,
Жоним билан сезиб мен,
Айблама, жоним, мени,
Кетдим сендан безиб мен.
Гуноҳинг йўқ олдимда ҳеч,
Айбинг фақат суйганинг.
Қўй, куйинма, куйинма ҳеч,
Етар шунча куйганинг...
Туйғуларнинг жиловида
Мен бир дарвиш, телбаман,
Жавоб йўқ минг саволингга,
Кечир, мен ҳам бандаман...

НЕЧУН КЕРАК

Утов тикиб, бўлак чиқса боласи,
Нечун энди қувонмасин отаси,
Бўлолмаса элу юртнинг оғаси,
Нечун керак бизга бундай ҳокимлар.
Эл ғамида ёнолмаса юраги,
Сезмаса гар халқига не керагин,
Бўлолмаса бугун юртнинг тиргаги,
Нечун керак бизга бундай ҳокимлар.
Ҳукм сурса сохта шуҳрат, ном учун,
Уйламаса ўғил-қизнинг номусин,
Эшитмаса муҳтожларнинг товушин,
Нечун керак бизга бундай ҳокимлар.

БАРЧИНЛАР ЁТ КЕТСА...

Энди Бойсарилар кўчса қалмоққа,
Барчинлар қолсалар банди у ёқда,
Мардлар топиларми излаб бормоққа,
Алломиш, қайдасан, ким излар уни.

Ўзим ҳам, ерим ҳам яроли, хаста,
Руҳим зор-гирёндур сим-тўр қафасда,
Кўзимдан қонли ёш сирғалар аста,
Барчинлар ёт кетса, ким излар энди.

Тузли сув, шўр ерда бўзлаб қисматим,
Арслон келбатли бир ўғил туғмадим,
Туққанам ўн тўртда йиғлаб ер нонин,
Барчинлар ёт кетса, ким излар энди.

Ун тўртда миномас отнинг белига,
Қушин тортолмагай қалмоқ элига,
Шамшир тутолмайди нозик қўлига,
Барчинлар ёт кетса, ким излар энди.

Ўзим ҳам, ерим ҳам яроли, хаста,
Руҳим зор-гирёндир сим-тўр қафасда,
Кўзимдан қонли ёш сирғалар аста,
Барчинлар ёт кетса, ким излар энди.

КЎРИНДИ

Кўрдим бу дунёда яхши-ёмонни,
Ақлли, аҳмоқни ҳамда нодонни,
Кўрдим йиғлатганин одам одамни,
Дунёга келганим ёлгон кўринди.

Кўрдим ор-номусин пулга сотганин,
Амал учун жонин ўтга ёққанни,
Орқасидан бири бирин сотганин,
Бу дунё ишлари вайрон кўринди.

Инсон феъл-атвори озган замонда,
Шумлиги бошидан ошган замонда,
Ризқу баракаси қочган замонда
Бир тишлам нон топиш гумон кўринди.

Меҳру шафоат ҳам ўлган замонда,
Севги-муҳаббат ҳам сўнган замонда,
Ёмонлик уруғи унган замонда
Ҳатто бир табассум армон кўринди.



«Унутарсан бир кун мени ҳам»,
Дединг нимадандир эзилиб.
Шу бир оғиз сўзингдан, эркам,
Юрак-бағрим кетди узилиб.

Қисматим қилкўприк устида,
Дўзаҳу беҳишти бир қадам.
Розиман. Розидур аслида
Сени деб қулашга минг санам.

Унутмоқ — бил, сени, мен учун —
Орзудан, умиддан кечмоқдур.
Қалаванинг йўқотмоқ учин,
Юракни анордай эзмоқдур.

МУНОЖОТ

Эй, худо, мен сенга нолиш қилмайин,
Ҳасрат чекиб, кўз ёш тўкмай кулдайин,
Сенга шак келтириб, осий бўлмайин,
Халқимга инъом эт меҳру оқибат.

Ўз элимда мен мусофир бўлмайин,
Ҳар кимларга тик бошим ҳам қилмайин,
Ор-номусдан тириклайин ўлмайин,
Халқимга бахш айла бахту саодат.

Саҳромга сув келтир, боғу бўстон бер,
Қалин тўқай, тоғу тош ва гулистон бер,
Гўзал умр—бамисоли дoston бер,
Яратган, жон эгам, раҳму шафқат қил.

Ғинитларга йўлбарсдай юрак бер,
Ор-номус бер, тўқмоқдайин билак бер,
Дастурхони тўла емиш, чўрак бер,
Қизларга ақлу ҳусн, ибо инъом эт.

Элим тўқ бўлсаю, кўнглим шод бўлса,
Жайҳуним тошсаю, денгизим тўлса,
Айлагил шунда ҳам оҳу зор қилсам,
Бошқа не айтайин, иқбол инъом эт.



Ҳорғингина қадам ташлайман,
Сув селгандай тафтим босилган.
Умидсизлик. Эшик очмайман,
Сенга борар йўлим тўсилган.

Эшигингда турибман жим-жим,
Тутқичларин сийпалар кўзим.
Ичга кириш... азобдир, жоним,
Ҳаётимнинг мазмуни ўзинг...

Унутилган энди ул кезлар,
Шароб тўла қадаҳлар синган.
Қор остида босилган излар,
Туйғуларнинг довули тинган.

Ҳорғингина қадам ташлайман,
Сув селгандай тафтим босилган.
Умидсизлик. Эшик очмайман.
Сенга борар йўлим тўсилган.

АФВ, ЭТ, МУҲАББАТ ..

Энди келмаслигинг билсам-да қайтиб,
Доим ёд этаман сени мунғайиб,
Чақиравераман отингни айтиб,
Афв эт, муҳаббат...

Ун етти баҳорман, поймол қилинган,
Гулламаёқ гунчаликда юлинган,
Сенмидинг тупроққа шунда қорилган,
Афв эт, муҳаббат...

Қалбимда ҳар баҳор гунча бойлайман,
Шунда сени такрор-такрор ўйлайман,
Ўзни ҳам, сени ҳам бекор қийнайман,
Афв эт, муҳаббат...

Энди келмаслигинг билсам-да қайтиб,
Доим ёд этаман сени мунғайиб,
Чақиравераман отингни айтиб,
Афв эт, муҳаббат...



Қалбимда ҳар баҳор ғунча кўз очди,
Қимнингдир интизор боққан кўзидан.
Ҳисларим қитиқлаб кимдир сўз очди,
Мен ҳам кимларнингдир боқдим изидан.

Неча бор ўқиди дил қона-қона,
Туғилиш, муҳаббат, дилроз китобин.
Қимга мафтун бўлдим гоҳ ёна-ёна,
Қимларга тоттирдим ҳижрон азобин.

Билмадим, билмадим, ҳануз билмайман,
Қачон бу тизгисиз ҳислар олар тин.
Аллоҳдан мен фақат шуни тилайман:
Муҳаббат қалбимни тарк этмасин...

КЕТАЯПМАН

Тақдирнинг ёзгани манглайга,
Деб, кўниб қисматга, толега,
Айланиб қул, банди, малайга,
Кетаяпман...

Уйимга тенг эмас ўй билан,
Бўйимга тенг эмас бўй билан,
«Қўй, кўнглим, қўй-қўй» билан,
Кетаяпман...

Ҳазм қилмас ошим билан,
Минг гавғоли бошим билан,
Кўзда қонли ёшим билан,
Кетаяпман...

Қуриди тинка-дармоним,
Бузолмай ҳақнинг фармонин,
Қалбимда чексиз армоним,
Кетаяпман...

Уйимга тенг эмас ўй билан,
Бўйимга тенг эмас бўй билан,
«Қўй, кўнглим, қўй-қўй» билан,
Кетаяпман...

БҮЛГАН ЭМАС

(Бердақ йўлида)

Чекдим жабру жафони,
Сурдим завқу сафони,
Кўрдим содиқ-бевафони,
Сира кўнглим тўлган эмас.

Яхши сўзнинг қули бўлдим,
Сал нарсага тошиб-тўлдим,
Бир сўздан гоҳ гулдай сўлдим,
Ҳеч кўнглим олган эмас.

Дўстим дедим, оҳлар урдим,
Хизматинда тахтлар турдим,
Қадр билмасдан юзим бурдим,
У ҳам меидай бўлган эмас.

Кўнглимдай кўнгил топмадим,
Дарвиш бўлмай, гоҳ «ҳақ!» ладим,
Тўғри сўзлаб, ҳеч ёқмадим,
Тинглар қулоқ бўлган эмас.

Меҳр излаб гадо бўлдим,
Бемеҳрдан зада бўлдим,
Куйиб-ёниб, адо бўлдим,
Меҳрибоним бўлган эмас...

АЕЛ

Отангинг уйида эркалаб ўсиб,
Гулзорлар ичида гул бўлиб битиб,
«Бировнинг хасми» деб, уйингдан кетиб,
Ўзганинг бахтига яралдинг, аёл.

Қарамай гоҳида сенинг эркиннга,
Зўрлаб келтирдилар зулмат тўрига,
Тош бўлиб ботиб сен тушган ериннга,
Тақдирга тан бериб, кўнгансан, аёл.

Ҳижрон азоблари қалбингни доғлаб,
Кундузлар пинҳона, тунлар зор йиғлаб,
Иқболнинг кемаси қолганда тўхтаб,
Сен ортмоқлаб, олға судрадинг, аёл.

Осонми кўникмоқ ўзга юртларга,
Жонингни ёқдинг сен турфа ўтларга,
Синчиклаб-синчиклаб синаганларга,
Синашта бўлган ҳам ўзингсан, аёл.

Дунёнинг ташвиши бари зиммангда,
Нор бўлиб кўтардинг барин елкангда,
Тинмай, елиб-йўртиб, терга ботсанг-да,
Тўловсиз хизматлар сеники, аёл.

Нозик қад эгилиб, дол бўлган чоғлар,
Ипакдай бармоқлар қаварган чоғлар,
Оқ чеҳра армондан сарғайган чоғлар,
Султонсиз саройнинг канизи — аёл.

Уз уйингда ўзинг пинҳон қоврилиб,
Кўзларинг ёшидан ёстиқ юзлиб,
Севги гулзоридан бевақт узилиб,
Қалбинг тилим-тилим бўлгансан, аёл.

Чиқса ҳам кўзингдан ҳасрат тутуни,
Оҳингдан тоймади ернинг устуни,
Кўнглинг минг сон ямоқ, сирти бутуним,
Ўтмиш, келажагим, бугуним — Аёл!



Чин берилиб, ихлос билан севмасанг,
Кўнглинг истаб, суҳбатлашиб юрмасанг,
Ёрингни кўнглида не бор, билмасанг,
Бу дунёга энди келганинг бекор.

Интиқиб, соғиниб ҳижрон доғида,
Сарғайиб кутмасанг сафар чоғида.
Кун бўлиб қулмасанг кўрган вақтингда,
Бирга турмуш қуриб юрганинг бекор.

Ҳурмат-иззат билан уни сийламай,
Ошиқиб иш қилсанг, сўнгини ўйламай,
Турмуш денгизини теран бўйламай,
Кўнглини қолдирсанг, севганинг бекор.

Муҳаббатсиз умр мисли зиндондай,
Кўнгил саройингга қулф ургандай,
Боғда чаманларни қиров чалгандай,
Севгисиз дунёга келганинг бекор.

Ўзга чаманларда очилса гулинг,
Тақдир бошга солса айролиқ юкин,
Сен ҳам бир боғсан, йўқотган булбулин,
Севдим деб, соғиниб юрганинг бекор.

Севган кўнгилларга бўлинг тилақдош,
Бири ойдур, бири кун каби нурфош,
Тақдир сўқмоғида бирга етаклаш,
Билъакс ёр бўлиб юрганинг бекор.

МУНДАРИЖА

Орангизда қолгим келади	4
Қанийди	6
Баҳорим, қайдасан, қайда!	7
Қўлиқисқалик ёмон дард	8
Узуи бўлсин маънавий умрим	9
Кўзимда еш билан куламан	9
Нукусим	10
Тушунмайман	11
Парвоз, шунқорим, парвоз	11
Кел, қуногим!	12
Сенсиз	13
Сен келасан	14
Ҳей, баҳорги айри найсоним	15
Сен ичган оғуниинг заҳрин бер менга	15
Мен қул бўлиб қолмадим	16
Ҳайкал	17
Гўдак	18
Мен ҳам	20
Садога : : : : :	21
Соғиндим	22
Янглиш босган ҳар бир қадамнинг	23
Қанча баҳорларим . . . : :	23
Беғубор поклигим, сен огоҳ бўлгин	24
Алвидо, айтмайман, муҳаббат	25
Орзуойимга :	26
Бир кам 'дунёман . . . : : : :	28
Тушимга кирадн фақат саратон	28
Ҳей, қалбимда унган гул чечак	29
Муҳаббат . . : : : :	30

Ҳали мен	: :	31
Бандаман	: . : : :		33
Нечун керак	: . .	33
Барчинлар ёт кетса	: . : : : :		34
Қўринди	: :	35
Унутарсан бир кун		36
Муножот		37
Шароб тўла қадаҳлар		38
Афв эт, муҳаббат		39
Кетаяпман	. : : : : :		41
Бўлган эмас	: : :	42
Аёл	: : : :	43
Бекор	: :	45

Адабий-бадший нашр

Минайхон ЖУМАНАЗАРОВА
ҚАЛБИНГИЗДА ҚОЛГИМ КЕЛАДИ

Шеърлар

Муҳаррир *Т. Алимов*
Рассом *Р. Холмухамедов*
Расм муҳаррири *Р. Зуфаров*
Тех. муҳаррир *Е. Толочко*
Мусаҳҳиҳа *Г. Азизова*

ИБ № 0760

Босмаҳонага 15.10.99 да берилди. Босишга 23.11.99 да рухсат этилди. Бичими 70×90^{1/32}. Шартли босма табоғи 1,75. Нашр табоғи 1,19. Шартли кр-отт 2,04. Жами 2000 нуска да. Буюртма №326. Шартнома № 26—99. Баҳоси шартнома асосида.

«Чўлпон» нашриёти. Тошкент—129. Навоий кучаси, 30 уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.